

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят
ижтимоий-сиёсий
газетаси

2018 йил
30 июнь
ШАНБА

№ 52 (13105)

www.thtp.uz

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли ёшлар, азиз ўғил-қизларим!
Сизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни мамлакатимизда биринчи марта нишонланаётган кутлуг айём – Ёшлар куни билан чин қалбимдан самимий муборақбод этаман.
Мана шундай қувончли кунда, аввало, юртимизда кейинги пайтда ёшлар билан ишлаш бўйича мутлақо янги тизим яратилгани, ўғил-қизларимизнинг ижтимоий фаоллиги, Ватан ва халқ тақдирига дахлдорлик ҳисси кучайиб бораётганини, замонавий, демократик Ўзбекистон давлатини барпо этишда навқирон авлодимизнинг муносиб иштирок этаётганини барчамиз миннатдорлик билан эътироф этамиз.

Келажагимиз эгалари бўлган ёшларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларнинг орзу-интилишлари, қобилият ва салоҳиятини рўёбга чиқариш биз олиб бораётган давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналиши бўлиб, бу йўлда улкан ишларни амалга ошираётганимиз сизларга яхши маълум, албатта.

Ўтган бир йилнинг ўзида ёшлар ҳаётига бевоқиф тааллуқли бўлган 20 дан зиёд қонун, қарор ва қарорлар қабул қилинган ҳам бу фикрни яққол тасдиқлаб турибди.

Айниқса, сизларнинг ташаббусингиз билан бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ташкил этилгани ёшларимиз, бутун эл-юртимиз ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди.

Албатта, бир йил – тарих учун жуда қисқа фурсат. Шунга қарамайдан, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи ўтган қисқа даврда мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш йўлида давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлик қилаётган муҳим ижтимоий тузилмага айланди.

Шу асосда ёш авлодимизнинг гражданлик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган, замонавий билим ва касбуналарни пухта эгаллаб, халқаро майдонда рақобатга кириш оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Ёш муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда.

Бунинг амалий тасдиғини кўплаб мисолларда кўриш мумкин. Хусусан, ёшлар учун янги иш ўринлари яратиш, ёш тадбиркорларга, айниқса, қизларимизга ҳунармандлик билан шуғулланишлари учун кредитлар ажратиш, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш, фермерликни қўллаб-қувватлаш, фарзандларимизнинг таълим-тарбияси, уларни соғломлаштириш ва бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда.

Фақат бир йил давомида Ўзбекистон ёшлар иттифоқи тавсияси билан 4 минг 300 га яқин йигит-қизларимизга банклар томонидан 216 миллиард сўм имтиёзли кредитлар берилгани, 184 минг 300 дан зиёд фарзандларимиз иш билан таъминлангани эътиборга лойиқ.

Мамлакатимизда марказий ва маҳаллий ҳокимлик идоралари, депутатлар корпуси, суд-ҳуқуқ соҳаси раҳбарларининг ёшлар билан очик мулоқотлар олиб бориши ижобий анъанага айланиб бормоқда. Бундай мулоқот ва учрашувларда ёшларни қийнаётган кўпгина муаммолар жойида ҳал этилмоқда, уларга амалий ёрдам, малакали маслаҳат ва йўлланмалар берилмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

Мукофот муборақ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирлаш тўғрисида"ги Қарорига биноан, мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишхотларда фаоллик кўрсатиб, ўзининг билим ва иқтидори, ҳалол ва самарали меҳнати билан Ватанимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, юксак маънавиятли, мустақил фикрловчи, қатъий ҳаётий позиция, кенг дунёқараш ва юқори салоҳиятга эга, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган фидойий ва мард йигитларимиздан бир гуруҳи "Мард ўғлон" давлат мукофоти билан тақдирландилар.

Улар орасида вилоятимиз вакиллари ҳам бор:

Сабриддин Аслиддин Дийридин ўғли – Паркент агросаноат ва сервис касб-ҳунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Султонов Отабек Курбанбой ўғли – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг Республика ихтисослаштирилган мусиқа ва санъат академик лицейи 3-босқич ўқувчиси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ЕТТИ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Жонажон Ватанимиз – Ўзбекистони-миз миллий тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйиб, барча соҳа ва тармоқларда демократик янгиланиш жараёنлари амалга оширилаётган бугунги кунда биз учун бебаҳо неъмат бўлган мустақиллиқнинг қадр-қиммати ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ўтган давр биз учун гоят муҳим бир ҳақиқатни тақдор ва тақдор тасдиқлаб бермоқда. Эркин ва фаровон ҳаётимизни, буюк келажагимизни фақат мустақиллик асосида қуришимиз, одамларимиз, эл-юртимизни фақат мустақил сиёсат асосида рози қилишимиз мумкин. Фақат мустақиллик бугунги ва келгуси авлодлар учун мисли кўрилмаган имкониятлар очиб беради.

Шу маънода, мамлакатимиз истиқлолини, у билан боғлиқ тарихий сана ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини чуқур англаш ва қадрлаш, ҳар томонлама муносиб нишонлаш ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётимизда алоҳида муҳим ўрин тутди.

Халқимизнинг асрий орзуси бўлган, Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихида мутлақо янги саҳифа очган, мамлакатимизни халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзосига айлантирган Ўзбекистон мустақиллигининг йигирма етти йиллигини муносиб қутиб олиш ва нишонлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси бир ҳафта муддатда "Азиз ва ягонамансан, жо-

нажон Ўзбекистоним!" деган гояни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маънавий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини ишлаб чиқсин.

Мазкур дастур 2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳамда "Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастури билан уйғун ҳолда тайёрлансин.

Бунда давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштириш, айниқса, халқ билан доимий мулоқотни йўлга қўйиш, инсон манфаатларини таъминлаш, қонун устуворлигига эришиш ва суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, иқтисодиётни ривожлантириш ва фаол тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий соҳани, хусусан, фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, туризм ва спорт тармоқларини ривожлантириш, тинчлик-осойишталик ва хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш, ташқи сиёсат соҳасида барча узоқ ва яқин давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларни жадал ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳиятини илмий-маърифий асосда, ҳаётий мисоллар орқали очиб беришга алоҳида эътибор қаратилсин.

3. Республика комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, очик мулоқот ва суҳбат-

лар, адабий-бадий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, ижодкор зиёлилар ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида белгиланган чора-тадбирлар марказда ва жойларда қандай амалга оширилаётгани юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шоирлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, фольклор санъати вакиллари билан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этишга қаратилган энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари учун "Ягонамансан, муқаддас Ватан!" республика танловининг якуний босқичини ўтказсин.

Танлов ғолиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин ва тақдирлансин.

7. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Ўзбекистон Ёзув-

чилар уюшмаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Бадиий академияси, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ва бошқа тегишли ташкилотлар билан биргаликда "Энг улуг, энг азиз", "Ранглар жилосида – она дийр", "Ватан учун яшайлик!" каби анъанавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

9. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Дунё" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини А. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2018 йил 28 июнь

ОДАМЛАР УЙЛИ БЎЛСА, ҲАЁТДАН РОЗИ ЯШАЙДИ



Давоми 2-бетда ➡

Инсон ўз уйига эга бўлса, ҳаётда катта мақсадлар билан яшайди. Уй-жойли одам ён-атрофдаги кўни-қўшни билан иноқлашишга, маҳалла-қўйга кўпроқ аралашушга ҳаракат қилади. Жамиятда ўз ўрнини топишга интилаётган кишида эл-юрт олдидagi жавобгарлик ҳисси ортиб, умрини эзгу ишларга сафарбар этади...

Бахт ошени

Нурафшон шаҳридаги "Обод" маҳалла фуқаролар йиғинида янги барпо этилган 4 та кўп қаватли, 168 хонадонга мўлжалланган уйлар ўз эгаларига тантанали равишда топширилди. Тадбирда шаҳар ҳокимлиги, бир қатор бошқарма ва ташкилотларнинг мутасаддилари ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давоми 2-бетда ➡

ҲАМКАСБЛАРИМИЗНИ ҚУТЛАЙМИЗ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан соҳа ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги Фармони мувофиқ, давлатимизнинг юксак ордени ва медалларига сазовор бўлганлар орасида вилоятимиздан етиштириб чиққан ва айни пайтда баракали ижод қилаётган ҳамкасбларимизнинг борлиги қувонарлидир.

Хусусан, "Овози тожик" газетаси бош муҳаррири, Бўстонлиқ туманида туғилиб ўсган таниқли журналист Шерпўлат Вакилов "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди.

"Тошкент ҳақиқати" газетасида кўп йиллар самарали меҳнат қилган зангиоталик ҳамкасбимиз Асрولжон Сулаймонов ҳамда Бўқа тумани ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган "Халқ овози" газетаси бош муҳаррири Гулжаҳон Ёмгурова эса "Шухрат" медалига сазовор бўлдилар.

Фидойи ва жонқуяр ҳамкасбларимизни давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тахририятимиз ҳамда газетхонлар номидан самимий қутлаймиз!



Шерпўлат Вакилов



Асрولжон Сулаймонов



Гулжаҳон Ёмгурова

БАРАКА ЁФИЛГАН БУҒДОЙЗОРЛАР

Шу кунларда ҳар қайси оиланинг, халқимизнинг ризқ-рўзини, дастурхонини тўқин қиладиган, одамларимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлайдиган, миришкор деҳқонларимиз фидокорона меҳнатининг натижаси бўлиши Ватанимиз галла хирмони осмон қадар юксалиб бораётгани барчамизни чекиз қувонтиради.

Фалла – 2018

Бу улкан хирмонга муносиб ҳисса қўшган Бекобод ва Тошкент тумани фаллакорлари кўни кеча дастлабки доводдан ўтишди – контрактация шартномаларида белгиланган ҳажмдаги дон қабул пунктларига етказиб берилди.

Деҳқончиликда йилдан йилнинг

фарқи бўлади. Бошқача айтганда, аслида, деҳқон учун қулай ва осон келган йилнинг ўзи йўқ. Хусусан, вилоятимизнинг барча миришкорлари учун жорий мавсум ўзига хос қийинчилик ва мураккабликлар туғдиргани бор гап.

Давоми 2-бетда ➡

я вазирлиги масъул ходими

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Давлат пенсияларини таъинлаш ва тўлаш тартибини янада такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорининг 160-бандида пенсия тўлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ расмийлаштирилган ишончнома бўйича ҳам амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси ташқарисида расмийлаштирилган ишончномага ушбу ҳужжат расмийлаштирилган давлатнинг ваколатли органи томонидан асосий қўйилиши лозим. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда расмийлаштирилган ишончномалар бундан мустасно.

Ишончнома берган пенсионер Пенсия жамғармаси бўлимида бериб берилган пенсияга бир йилда камида бир марта келиб, тайинланган пенсияга бўлган ўз ҳуқуқини тасдиқлаши керак. Агар, унинг келишга имконияти бўлмаса, масалан: соғлиги туфайли, даволаш муассасаларида ёки руҳий касаллар учун стационар даволашида бўлса, жамғарма бўлимида ходими тайинланган пенсияга бўлган ҳуқуқини тасдиқлаш учун пенсионернинг яшаш жойига боришлари керак.

Кейинги пайтда пенсия ва нафақа олувчилар пенсия жамғармаси бўлимидаги мурожаат этишиб, "Пенсия ва нафақаларни олиш учун ишончномалар албатта нотариус томонидан нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши шарт экан, пенсияни etkazиб бериш юклатилган ташкилот ёки банк ходими талаб қилаётми", деган гапларни кўп айтишяпти.

Аслида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 136-моддасида нотариал тасдиқланган ишончномаларга тенглаш-

тирилган ишончномалар келтириб ўтилган бўлиб, улар "Нотариат тўғрисида"ги Қонуннинг 26-моддасида ҳам назарда тутилган. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 137-моддаси куйида-


Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонуннинг 15-моддасида ҳам фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, яъни маҳалла раиси пенсия

"ИШОНЧНОМА"ГА ИШОНЧ БОРМИ?

Пенсияни ишончнома билан олишда ишонч қозони нотариал тасдиқлаши керакми? Тўловни амалга оширувчи ташкилот томонидан шундай талаб қўйилиши тўғрисида?

Барно ЗИЁВУДДИНОВА,
Қуйи Чирчиқ тумани.

Сўраган эдингиз



гича баён этилган:

"Хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва пенсияларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва кашфиётчиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банк муассасаларидан суммаларни олиш ҳақидаги ишончнома ваколат берувчи ишлайдиган ёки ўқийдиган ташкилот, у яшайдиган уйга хизмат кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилоти, ўзининг яшаш жойидаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари ёхуд фуқаро давлатида бўлган даволаш муассасасининг маъмурияти томонидан тасдиқлаши мумкин".

ва нафақа олишга ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш мумкин.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, яъни, маҳалла раиси томонидан тасдиқланган ишончномалар белгиланган тартибда рўйхатга олинган бўлиши лозим.

Бу ўринда фуқаролар томонидан баъзи бир ишончномаларни оsonлаштирилган тарзда расмийлаштиришга имкон яратилган.

А. НОРОВ,
Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси вилоят бошқармаси маблагларини бошқариш, пенсия ва нафақалар тўлови мониторингини бўлими бошлиғи

"Ташқи рекламани жойлаштириш учун рухсатнома бериш" тартиб-таъмили бекор қилинди

Бугунги бозор иқтисодиёти ва жадал ривожланаётган рақобат муҳити шароитида товар ва хизматлар бозорида тadbиркорларнинг ўз ўрнини эгаллашда реклама катта аҳамият касб этади. Реклама бозорини янада ривожлантириш ва тadbиркорларга кенг йўл очиб мақсадида мамлакатимизда мустахкам ҳуқуқий асослар яратилган.

Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунини соҳани ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиб турувчи асосий ҳужжат ҳисобланади.

Реклама қончилигидаги ўзгаришлар, шунингдек, янгиликлар ҳақида тadbиркорлар мунтазам хабардор қилиб борилмоқда. Профилактик чоралар қўрилишига қарамадан мазкур қончилик талаблари бузилиши ҳолатлари ҳамон кузатишмоқда. Қонунбузилиши ҳолатлари келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири – "реклама" тушунчаси билан "эълон" тушунчасини фарқлай билмасликдир.

"Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан, оммавий ахборот воситалари орқали (телевидение, радио, босма нашрлар) ташқи реклама воситалари (алоҳида махсус конструкция, тахта, плакат, экран, кино, иншоот, йўл чеккалари, кўча ёриткичларининг таянчлари ва ҳокзозлар), каталоглар, варақалар, афишалар, плакатлар, календарлар, урналар, соябонлар, нури ва газнури мосламалар, умуман, тижорат мақсадида тарқатилган барча ахборот, хабарлар ва маълумотлар реклама ҳисобланади.

Тижорат мақсадларини қўламаган ҳолда оммавий ахборот воситаларида чоп этилган, қорхоналарнинг тугатилиши, банкрот деб эълон қилиниши, ҳужжатларнинг

йўқолганлиги ҳақидаги, қорхона ўзи эгаллаб турган бинода давлат акс эттирилган номи, унинг жойлашган (юримдик) манзили ва иш тартиби ҳақида, ишга олиш тўғрисидаги маълумотлар ва бошқалар реклама ҳисобланмайди.

Ташқи рекламани жойлаштириш тартиби маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида белгиланади. Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунининг 20-моддасига асосан, "Муайян шахс эгаллаб турган бинонинг ташқи томони (фасади)да, бинога кириш йўлида шу шахс тўғрисида (юримдик) номи, иш тартиби ва манзили жойлаштирилган ёки мазкур шахснинг махсусоти ҳақида шу бино витринасидаги ахборот (пешлава) реклама деб ҳисобланмайди ва бунинг учун маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш талаб этилмайди".

Тошкент вилоятида ўлчамлари 500 см2 дан ошган ҳар қандай ташқи реклама воситаларини (шу жумладан, кўча реклама – штендер, кўрсаткич ва бошқаларни) хизмат кўрсатувчи/сотувчи/ишлаб чиқарувчи/ишчи биносининг ташқи томони(фасади)да ва бинодан ташқарида "Вилоят ҳокимиятининг ташқи рекламани жойлаштириш бўйича комиссиясининг рухсати"ни олмадан жойлаштириш – ташқи рекламани жойлаштириш тартибининг бузилиши ҳисобланади ва маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади.

Шунингдек, ташқи рекламани маҳаллий мерос объектларида, йўл белгиларида ва светофорларда, уларнинг тиргаларида ёки ҳаракатини тартибга солиб турувчи бошқа ҳар қандай қурилмаларда, шунингдек, дов-дархалларни пайхон қилиш ва туташ ҳудуддаги ободонлаштириш воситаларини

ни бузиш йўли билан жойлаштириш тақиқланади.

Нотўғри реклама тарқатиш, яширин рекламадан фойдаланиш тақиқланади.

Тамаки, тамаки маҳсулотлари ва ҳар қандай қувватдаги алко-голли ичимликлар рекламаси тақиқланади.

Рекламадан фойдаланувчиларнинг чалгитувчи ёки чалгитиши мумкин бўлган ("номер один", "самый", "лучший", "всегда", "первый", "лидер", "только", "эффективный", "настоящий", "идеал", "энг сифатли", "энг малакали", "энг аниқ", "энг тезкор", "энг сўнгги", "энг ўлиқ", "факат бизда", "фақатгина", "етакич", "экзотик тоза", "соф", "тирик маҳсулот", "енгли там", "жуда олий сифатда", "Халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган", "барча талабларга тўлиқ жавоб берадиган", "100 фоиз қафолат, 100 фоиз натижа", "барча", "ҳар қандай") ишончсиз сўзлар ва иборалардан иббат, далил ва асосларсиз фойдаланиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 мартдаги 225-сонли қарорига мувофиқ, ташқи рекламани жойлаштириш учун рухсатнома бериш маҳаллий ҳокимиятлар томонидан "Ягона дарча" тамойили бўйича (жорий йил 1 январидан Давлат хизматлари агентлиги томонидан) амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 11 апрелдаги ПФ-5409-сонли Фармони билан тасдиқланган 2018 йил 1 июндан бошлаб бекор қилинадиган тadbиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензияланган фаолият ва рухсат бериш тартиб-таъмиллари айрим турлари Рўйхатига ташқи рекламани жойлаштиришга рухсатнома олиш тартиби ҳам киритилган.

Бунда, мазкур рухсат берувчи тартиб-таъмил бекор қилиниб, ташқи реклама воситаларига рекламани жойлаштириш муносабатлари шартнома асосида (мустақил) амалга оширилиши белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ташқи реклама воситаларига жойлаштирилган рекламанинг матни ва ундаги тасвирларнинг "Реклама тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини талабларига мувофиқ эканлиги тўғрисида бериладиган рухсат олиш тартиби бекор қилинди.

Аммо, ташқи реклама воситаларини (алоҳида конструкциялар, штендерлар ва бинолар, кўпиклар ва бошқалар) ўрнатиш учун рухсат олиш тартиби бекор қилинмаган.

Тadbиркорлик субъектлари (шу жумладан, фуқаролар) реклама берувчи, реклама тайёрловчи ва реклама тарқатувчи сифатида қонунда белгиланган мажбуриятларига эгадирлар.

Хурматли тadbиркорлар!
Ташқи рекламани жойлаштиришда Ўзбекистон Республикасининг "Реклама тўғрисида"ги Қонунини талабларига қатъий амал қилишингиз сўралади.

Эслатиб ўтаимиз, Қонун талабларининг бузилиши Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 178-1-моддасига мувофиқ, маъмурий жавобгарликка сабаб бўлади.

Қўшимча маълумот олиш учун Тошкент вилояти Рақобат бошқармасининг (+99871) 230-41-81 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Эрали БОЗОРОВ,
Тошкент вилояти Рақобат бошқармаси етакчи мутахассиси

Дикқат! Дикқат! Дикқат!

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари дикқатига!

"E-JRO AUCTION" электрон савдо майдончасида онлайн-аукцион шаклида ташқи эълон савдолар орқали Тошкент вилояти, Қирғай тумани, Зафаробод ҚФЙ ҳудудига жойлашган, Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик илмий-тадқиқот институти тасарруфидagi оморхона биноси сотилганлигини маълум қиламиз.

ХУРМАТЛИ ТАДБИРКОРЛАР!
ОНЛАЙН-АУКЦИОН САВДОЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА.
ТЕЗ ВА ОСОН ХАРИД ҚИЛИНГ ВА МУЛҚДОР БЎЛИНГ!
Савдоларда иштирок этиш учун қўшимча маълумотларни www.e-auktion.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Шахрисабз кўчаси, 42-уй. Маълумот учун телефонлар: (0-371) 230-41-73, 230-41-70. E-mail: tashreg@gki.uz. Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тadbиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўрилган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг (0-371) 230-41-81 рақами Ишонч телефонларига зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Реклама ва эълонлар

"TASHKENT REALTOR SERVICE"

Аукцион савдоларига "YANGI ANGREN IES" АЖ балансидаги қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

Оҳангар тумани, "Енарик" МФЙда жойлашган:

1. 0001-литердаги ташқи майдони 941,44 кв.м. бўлган чилангарлик-механика базиси ва механизмларни сақлаш айвони, бошланғич баҳоси – 290 350 000 сўм;
2. 0005-литердаги ташқи майдони 927,50 кв.м. бўлган таъмир-механика устанонаси, бошланғич баҳоси – 303 454 000 сўм;
3. 0006-литердаги ташқи майдони 148,50 кв.м. 0007-литердаги ташқи майдони 307,50 кв.м. бўлган оморхона ва электр ускуналарни таъмирлаш устанонаси, бошланғич баҳоси – 159 306 000 сўм;
4. 0013-литердаги ташқи майдони 451,36 кв.м. бўлган бетон қўлипларини ясаш устанонаси, бошланғич баҳоси – 149 640 000 сўм;
5. 0021-литердаги ташқи майдони 1200,00 кв.м., 0022-литердаги ташқи майдони 750,00 кв.м. бўлган қурилиш ашёларини сақлаш омор ва айвон, бошланғич баҳоси – 594 700 000 сўм;
6. 0023-литердаги ташқи майдони 1017,61 кв.м. бўлган механика-чилангарлик таъмирлаш устанонаси ва оморхона, бошланғич баҳоси – 319 363 000 сўм;

МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши шаклида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

7. 0024-литердаги ташқи майдони 1703,81 кв.м. бўлган иссиқлик монтаж ускуналарини таъмирлаш устанонаси ва оморхона, бошланғич баҳоси – 564 549 000 сўм;
8. 0025-литердаги ташқи майдони 294,02 кв.м. бўлган монтаж бошқармаси маъмурий биноси, бошланғич баҳоси – 527 749 000 сўм;
9. 0026-литердаги ташқи майдони 125,77 кв.м., 0027-литердаги ташқи майдони 338,49 кв.м., 0028-литердаги ташқи майдони 79,56 кв.м. ва 0029-литердаги ташқи майдони 263,55 кв.м. бўлган маиший бинолар, оморхоналар, ишлаб чиқириш биноси ва механизмларни сақлаш айвони, бошланғич баҳоси – 281 792 000 сўм;
10. 0030-литердаги ташқи майдони 567,51 кв.м. бўлган зичланган кислород ишлаб чиқариш биноси, бошланғич баҳоси – 263 290 000 сўм;
11. 0032-литердаги ташқи майдони 422,62 кв.м. бўлган қурилиш бошқармаси маъмурий биноси, бошланғич баҳоси – 429 132 000 сўм;
12. 0015-литердаги ташқи майдони 322,00 кв.м. бўлган изоляция ва қўловчи материаллар сақлаш омор, бошланғич баҳоси – 108 085 000 сўм;
- Ангрн шаҳри, Нуробод шаҳарчасида жойлашган:
1. 0001-литердаги ташқи майдони 920,04 кв.м., 0002-литердаги ташқи

- майдони 21,78 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 235,62 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 888,00 кв.м. бўлган алоқа бўлими, бошланғич баҳоси – 1 129 223 000 сўм;
2. 0001-литердаги ташқи майдони 241,76 кв.м. ва 0002-литердаги ташқи майдони 443,18 кв.м. бўлган музқаймоқ кафеси ва омонат жамғармаси, бошланғич баҳоси – 216 506 000 сўм;
3. 0001-литердаги ташқи майдони 530,61 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 611,42 кв.м. бўлган омонат жамғармаси, бошланғич баҳоси – 360 420 000 сўм;
4. 0001-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0005-литердаги ташқи майдони 262,90 кв.м., 0006-литердаги ташқи майдони 21,46 кв.м., 0007-литердаги ташқи майдони 364,10 кв.м. бўлган 76-сонли болалар боғчаси, бошланғич баҳоси – 649 435 000 сўм;
5. 0001-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0002-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0003-литердаги ташқи майдони 31,08 кв.м., 0004-литердаги ташқи майдони 702,78 кв.м., 0005-литердаги ташқи майдони 364,00 кв.м. бўлган 74-сонли болалар боғчаси, бошланғич баҳоси – 601 387 000 сўм;

6. 0001-литердаги ташқи майдони 1052,12 кв.м. бўлган 2-сонли 5 қаватли турархона, бошланғич баҳоси – 2 648 840 000 сўм.
- Аукцион қўлиби белгиланган тартибда 20 кундан кечикмасдан сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиши ва шартнома имзолангандан сўнг 10 банк куни ичида кўчмас мулкнинг тўлиқ қийматини тўлаши шарт.
- Шунингдек, Риэлторлик хизматларининг миллий стандарти (2-сон РХМС)га асосан талабдорларга кўчмас мулк бозорида ахборот ва маслаҳат хизмати кўрсатиш бўйича шартномалар тузилади.
- Очик аукцион савдоси 2018 йил 30 июль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уйда бўлиб ўтади. Мазкур объектлар 2018 йил 30 июль куни сотилмаса, тақририй аукцион савдолари 2018 йилнинг 7 август, 14 август, 21 август, 28 август, 4 сентябрь, 11 сентябрь, 18 сентябрь, 25 сентябрь кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш истагини билдирган шахслар "Закалат пули тўғрисидаги қелишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "TASHKENT REALTOR SERVICE" МЧЖнинг "Ипак йўли" АМТБ Тошкент шаҳар Миробод

филиалидаги ҳисоб рақами: 20208000804876496001, МФО 01101, ИНН 301743808 га тўлашлари лозим.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни топшириши керак:

- юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, ишончли вакил иштирок этганида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома ва унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси;
- закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси.

Мазкур ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб, расмий иш кунлари соат 9.00 дан 16.00 гача Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Авлиё ота кўчаси, 13-уй, 2-қаватда қабул қилинади ва савдодан бир кун соат 18.00 да, тақририй савдолар учун савдодан бир кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Қўшимча маълумотларни realtorservice@mail.ru, 147-40-00 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган
RR – № 0008.

Янгийўл тумани, Ниёзбош ҚФЙ, О. Қўчқоров кўчасида жойлашган «OTALAR ZIYOSI» масъулияти чекланган жамияти ўз фаолиятини тугатаётганини маълум қилади.

«Тошкент ҳақиқати»
ва
«Ташкентская правда»
газеталарининг
реклама бўлимининг
телефон рақамлари:
(+998 71) 233-65-59,
233-54-10.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июль «Тошкент вилоятида саноат-ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3153-сонли Қарорига мувофиқ Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалига 2018-2019 ўқув йили учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ажратилган қабул квоталари рўйхати:

Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг 2018/2019 ўқув йилида бакалавр тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат гранти асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	Шу жумладан ўзбек	рус	Жами	Шу жумладан ўзбек	рус
		ОТМ бўйича жами:	300	90	62	28	210	148	62
		Шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича							
1	5310300	Металлургия	60	20	15	5	40	30	10
2	5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	75	30	20	10	45	30	15
3	5312200	Кончилик электр механикаси	50	10	7	3	40	30	10
4	5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришининг жиҳозлаш ва автоматлаштириш	30	10	7	3	20	13	7
5	5320300	Технологик машина ва жиҳозлар (тармоқлар бўйича)	25	5	3	2	20	15	5
6	5320400	Кимёвий технология (ишлаб чиқариш турлари бўйича)	60	15	10	5	45	30	15

Тошкент давлат техника университети Олмалик филиалининг махсус сиртки бўлимида 2018/2019 ўқув йилида бакалаврлар тайёрлаш бўйича қабул кўрсаткичларининг таълим йўналишлари ва ўқитиш тиллари бўйича тақсимланиши

№	Шифр	Таълим йўналишлари	Жами	Давлат гранти асосида			Тўлов-контракт асосида		
				Жами	Шу жумладан		Жами	Шу жумладан	
					ўзбек	рус		ўзбек	рус
		ОТМ бўйича жами:	100	0	0	0	100	50	50
		Шу жумладан, таълим йўналишлари бўйича							
1	5310300	Металлургия	20				20	10	10
2	5311600	Кончилик иши (фаолият турлари бўйича)	20				20	10	10
3	5312200	Кончилик электр механикаси	20				20	10	10
4	5320200	Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришини жихозлаш ва автоматлаштириш	20				20	10	10
5	5320300	Технологик машина ва жихозлар (тармоқлар бўйича)	20				20	10	10

Ёшларимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишлари, бошқача айтганда, фарзандларимизга майдонни кенг очиб бериш мамлакатимизда бугун давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Бинобарин, ёшлар бизнинг таянч-миз, эртанги кундан умидимиз, савоб ишларимизнинг давомчилари. Ҳаммамиз ҳам бу дунёда фарзандларимиз, уларнинг

наётган фармон ва қарорлар, умуммиллий дастурлар, амалга оширилаётган саяё-ҳаракатлар ҳали ўзининг юксак натижаларини бериши шубҳасиз.

Бу ҳақда гап кетганда, Президентимизнинг кунги кеча қабул қилинган "Yoshlar – kelajagimiz" Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, го-лари ва лойиҳаларини рўёбга чи-

риб, улар эришаётган ютуқларни ҳам, муаммо ва масалаларни ҳам чуқур таҳлил қилиб, барчамизнинг олдимизга жуда катта вазифалар қўйди, – дейди Ёшлар иттифоқи вилоят кенгаши раиси Дониёр Каримов. – Шу тариқа, бугун ёшларимизни ягона мақсад ва мудоаолар йўлида бирлаштириш, уларни янги марралар сари руҳлантириш, орзу-истакларига қанот бағишлаш борасида вило-

йиллигида ёшлар ташкилотиди 1 минг 856 та бошланғич ташкилот фаолият кўрсатган бўлса, бугунги кун ҳолатига иттифоқнинг вилоятдаги бошланғич ташкилотлари сони 2 минг 275 тага етди. Маҳаллаларда уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш, уларнинг моддий имкониятларини мустаҳкамлаш чоралари кўрилмоқда. Умуман, бугун вилоятда ишсиз ёшлар 30 минг 826 нафар-

кил этилди. Уларда 432 минг нафардан зиёд ёшлар қамраб олинди.

2018 йилнинг 5 ойи давомида вилоятда ёшлар жиноятчилиги 2017 йилнинг мос даврига нисбатан 41,6 фоиз камайишига эришилди.

Албатта, қилинган ишлар денгиздан томчи, холос. Зотан, ёшлар олдидаги муаммоларни бартараф этишда, уларга Президентимиз хоҳлаётганларидек муносабат кўрсатиш ва имконият яратиб беришда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши лозим.

Энг муҳими, дунёнинг жуда кўп минтақаларида сиёсий низо ва қонли тўқнашувлар, манфаатлар кураши тобора кескин тус олаётган, курраи заминга терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик каби жirkanч иллатлар жиддий хавф солиб турган мураккаб ва таҳликали бир шароитда серқуёш диёримизда тинчлик ва оёсийиш-лик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳам-жихатлик муҳити барқарор.

Зеро, халқимизнинг ҳаёт сифати ва турмуш даражасининг яхшиланиши, онгу тафаккурининг юксалиши, халқро майдонда Ватанимиз обрў-эътиборининг ошиши эртаимиз эгалари ёшларимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмай камол топишига боғлиқдир.

Исломжон КАРИМОВ,
Салим АБДУҚОДИРОВ

Журналистга уй совға қилган ҳокимни танийси-ми?

Пахта режасини бажарган ҳокимлар кўп. Фалла режасини бажарган ҳокимлар кўп. Боринги, буларнинг бирортасини бажармаган ҳокимлар ҳам кўп...

Лекин, журналистга уй совға қилган ҳоким ҳақида яқин орада эшитмаган эканмиз, қаранг...

Дарвоқе

Президентимиз 2017 йилнинг 3 августида мамлакатимиз ижодкор зиёлилари вакиллари билан ўтказган тарихий учрашувда адабиёт ва санъат, маданият соҳалари билан бир қаторда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш борасида қимматли фикрларини билдирган эди.

Кўп ўтмай, давлатимиз раҳбари "Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорга имзо чекди.

Қарорда, жумладан, оммавий ахборот воситалари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, журналистларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, эҳтиёжманд ва фаол журналистларни уй-жой ёки ер участкалари билан таъминлашни тизимли йўлга қўйиш ҳақида сўз боради.

Оҳангарон шаҳар ҳокими бу қарор билан таниши-йўқми, билмадик, бироқ унинг кунги кеча нишонланган матбуотчиларнинг касб байрами муносабати билан кўрсатган ташаббуси гоёй ибратли.

Гап шундаки, ҳоким Оҳангарон тумани ва шаҳри ҳокимлиги муассислигида чоп этилаётган "Оҳангарон ҳаёти" газетаси муҳаррири, истеъдодли журналист Беҳзод Қобуловга воҳа ижодкорлари касб байрамларини нишонлаётган даврада, ҳамманинг кўз ўнгига шаҳар марказидан икки хонали уйнинг калитини тантанали вазиятда топширди.

Бундан бир йилча аввал, "Тошкент ҳақиқати" газетасида масъул котиб вазифасида ишлаб, туман газетасига раҳбарликка юборилган Беҳзод Қобулов ўтган қисқа фурсатда Оҳангарон газетасига янги руҳ ва мазмун олиб киргани, аввало, газетхонлар, қолаверса, ҳудуд раҳбарлари эътиборини қозонганидан хурсандмиз.

Матал борким, "Камбағал бўлсанг кўчиб бок!" Беҳзод сал аввалроқ ёш оиласи билан олтинчи ижара уйига кўчиб ўтган экан. Начора, у энди кўч-кўронини ортмоқлаб, яна кўчишга мажбур. Хайриятки, еттинчи сафаргиси унинг ўз уйи бўлади...

Ана шунақа гаплар. Энди лаҳзамиз сарлавҳасига, моҳиятга, кун мавзусига чиқарилган саволга қайтасан. Хўш, танийсизми шундай ҳокимни?

Хар эҳтимолга қарши таниб олинг: Одилжон Жўраев, Оҳангарон шаҳар ҳокими...

Алишер РАҲМАТОВ



БАҒРИ БҮТҮН ЭЛНИНГ БАХТИЁРЛАРИ

бахт-саодати, иқболи деб яшай-миз ва меҳнат қиламиз.

Аслида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамият ўзининг эртанги истиқболини соғлом ва баркамол авлод тимсолида кўради. Шу боис, Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясида сўзлаган нутқида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиш тақлифини берганлари дунё ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотди.

Келажақ бугундан бошланади, деганларидек, жисмонан баркамол, маънан етук, замонавий билим ва тараққиёт ютуқларини чуқур эгаллаган, иродаси мустаҳкам авлодни вояга етказиётган мамлакатнинг эртаси ёруғ, келажиги нурафшон бўлади.

Юртимизда айни вақтда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар жараёнини, яъни, кучли фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришдек эзгу мақсад рўйбини, хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ижросини мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисминини ташкил этувчи ёшларимиз иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Худди шу мақсадда қабул қили-

Бундан роппа-роса бир йил олдин пойтахтимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокида бўлиб ўтган анжуман мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас бўлиб тарихга кирди. Унда Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилиб, 30 июнь мамлакатимизда Ёшлар кунини, деб эълон қилинди.

Эътибор

қаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлаш, банд бўлмаган ёшларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассисликлар ва бизнес кўникмаларига ўқитиш, шунингдек, ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллигини ошириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга бекиёс эътибор қаратилгани ва ушбу Давлат дастури илк бор тажриба тариқасида вилоятимизнинг Куйи Чирчиқ туманида ҳам амалга оширилиши ёшларимизда катта масъулият, шу билан бирга, гуруҳ ва ифтихор туйғусини уйғотгани шубҳасиз.

Эътиборга молик жиҳати шундаки, ўтган бир йил давомида турли соҳада вилоятимиз ёшлари кўпгина ютуқларга эришди. Жумладан, уларнинг 5 нафари давлат мукофотлари билан тақдирланди ҳамда 100 нафардан ортиқ спортчиларимиз Жаҳон ва Осиё чемпионлари бўлишди.

– Президентимиз мамлакатимиз ёшлари ҳаётига кириб бо-

ятимизда ҳам муайян ишлар олиб борилаётган.

Бугунги кунда вилоятимизда 14 дан 30 ёш оралиғида бўлган ёшларимиз сони 815 минг нафарни ташкил этса, шундан 376 минг 520 нафарини Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи аъзолари сафига бирлаштиришга эришилди.

2017 йилнинг иккинчи ярим



30 июнь – Ёшлар кунини



ОҚ ЙЎЛ, БЕКМУРОД!

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон ёшларига кўрсатилаётган эътибор бугун дунё ёшларининг ҳавасига мушарраф бўлаяпти, десак муболаға бўлмайди.

Мамлакатимиз тарихида илк бор нишонланаётган Ёшлар кунини фикримизнинг ёрқин исботидир. Қолаверса, Ўзбекистон ёшлари ўзларига яратиб берилаётган бу имкониятлардан унмולי фойдаланиб, барча жабҳаларда – спортда, санъатда, фан олимпиадаларида, айни пайтда, ижода ҳам ўз қудратини, ўз овозини, ўз салоҳиятини ёрқин намоён этаётганлар.

Бугун Ёшлар кунини муносабати билан шеърини машқлари эътиборингизга ҳавола қилинаётган, Паркент туманида

ташкил этилган "Илк қадам" тўрагагининг аъзоси, тумандаги тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежи ўқувчиси Бекмурод Муслимов ана шундай умидли фарзандларимиздан бири.

Бекмуроднинг шеърлари кутилмаган ташбеҳлар, ўзига хос қиёсаларга бой. Қадри газетхонларимиз ёш шоиримизнинг шеърларини ўқиб, ўзлари бунга гувоҳ бўладилар. Биз Бекмурод Муслимовнинг ижод оламидаги шарафли, аммо машаққатли йўли доимо нурили бўлишини тилаймиз.

Махмуд ТОИР,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси
вилоят бўлими раҳбари,
Ўзбекистон халқ шоири

САРАТОН

Кўш нур элайди ёз тонгларига,
Ерга йиқилади дарахт сояси.
Юракнинг зарби жўр ишқ бонглари,
Бошланг денгизлар кўнгил ойнаси.

Қилар муҳаббатнинг яшил китоби,
Осмонлар севгининг балки пайкали.
Шамол ошиқларнинг айтган шитоби,
Чинорлар юз йиллик ишқнинг ҳайкали.

Хаёллар чорлайди, ишқнинг аршига,
Саратон севгининг авхи палласи.
Мени кут, ёнингга бораёлман севгим,
Юрагимдан учар қушлар галаси.

ОЁҚЯЛАНГ ЕАДАЙ

Оёқяланг елдай югурар кўнгил,
Кабутар патидек тўзғийди хаёл.
Қишлоққа кеч кирди шу алфоз кейин,
Заминга сочларин ёйда ҳилол.

Осмон этагига осилди булут,
Оқшом денгизига бошланди тўфон.
Парвосиз бош иргаб ола булутдан,
Ёмғир соғиб олар тераклар шодон.

Тўнги кўриқчидек кекса қайрағоч,
Қўлаш шамоллари кезар ҳар ёнда.
Қалбимга ин кўрди ахир қалдирғоч,
Балки баҳор келар эртати тонгда.

Оёқяланг елдай югурар кўнгил,
Кабутар патидек тўзғийди хаёл...

ЁМҒИР

Дарахт сочларини тортади шамол,
Гуллар капалакка бўлганди сирдош.
Дафъатан ўзгариб атрофда жамол,
Уйқуга кетаяпти гўёки кўш.

Паранжи ташлейди юзига осмон,
Ерга бош эгади тераклар сафдош.
Кўкни гўмбурлатган бу чақмоқ эмас,
Хуррак отаяпти гўёки кўш.

Оймомо уйғотгач, қайт деб изинга,
Мажолсиз борлиққа бўлади юздош.
Сўнг эркалик қилиб ола заминга,
Кўзёш тўкаятти гўёки кўш.

ТИНЧЛИК

Тинчлик бахт бергай ҳар бир инсонга,
Бугун шодлиқларнинг йўқдир адоғи.
Бу узоқ кутилган ёрқин келажак,
Йўлларни ёриттай илм чироғи.

Яна Ҳақ йўлида елаяпти халқ,
Эзгулик қолдириб ўнгу-сўлида.
Ким дунёни танир қуроллар билан,
Мудом китоб бордир ўзбек қўлида.

Оғир синовларга қўмилган миллат,
Чанг босган тарихни очди Юртбошим.
Аждодлар учун ҳам яшайлик бахтли,
Қўлни қўлга бергин энди, юртдошим!

Бекмурод МУСЛИМОВ

Байрам тадбирлари

Ҳоким ва ёшлар

Нурафшон шаҳар саноат ва сервис касб-хунар коллежиди ҳоким ва ёшлар учрашуви бўлиб ўтди. Унда шаҳар ҳокими, мутасадди раҳбарлар ва 350 нафар ёш иштирок этди.

Учрашувда коллеж битирувчилари ва уюшмаган ёшлар бандлигини таъминлаш масалалари ҳам муҳокама қилинди. Ишсиз ёшларнинг мурожаатлари тинглан-ди. Уларнинг муаммоларини бартараф этиш борасидаги вазифалар белгиланди. Шу ернинг ўзига 20 нафар ёш ишли бўлди.

Билимдонлар баҳси

Чиноз туманидаги қурилиш ва иқтисодиёт касб-хунар коллежиди "Заковат" интеллектуал ўйини ўтказилди. Унда тумандаги ҳарбий қисмининг "Қалқон", ички ишлар бўлимининг "Адолат", Ёшлар иттифоқи кенгашининг "Келажак", коллеж битирувчиларининг "Жасорат" ҳамда мактаб ўқувчиларидан ташкил топган "Маърифат" жамоалари ўзаро беллашди-лар. Билимдонлар тажрибали ҳакамлар ҳайъати томонидан баҳолаб борилди.

Яқунда "Қалқон" жамоаси голибликни қўлга киритди.

Ҳаваскорлар кубоги

Оққўрғон туманида "Ёшлар кубоги" футбол мусобақаси бўлиб ўтди. Беллашувда 29 та маҳалла фуқаролари йиғинидан уюшмаган ёшлар қатнашди.

Яшил майдон баҳсларини қизгин ва мurosасиз бўлди. Мусобақа якунида 1-ўрин Ҳамид Олимжон номли маҳалла ёшларига насиб этди. Голиб жамоа аъзолари ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз

Кеча Зангиота туманининг Ўртаовул қишлоғида муҳташам "Китоб олами" мажмуасининг фойдаланишга топширилиши Ёшлар кунига яна бир ўзига хос совға бўлди.

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муталааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси доирасида вилоятимизда муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан икки-уч йил аввал вилоятимиздаги китоб дўконлари бармоқ билан санарли даражада кам эди. Улардаги китоб савдосининг аҳоли ҳам ҳеч кимни, айниқса, китобхонларимизни қониқтирмасди. Бекобод шаҳри, Куйи Чирчиқ, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва

Зангиота туманларида эса бирорта ҳам китоб дўкони қолмаган, мавжудлари ҳам "сонда бору санокда йўқ" аҳволда эди.

Ўтган мана шу қисқа

мун-моҳити ва амалий натижалари билан халқимизга чин маънода хизмат қилаётганининг тасдиғидир.

Мажмуанинг очилиш маросимида сўз олган

маданиятини юксалтиришга қаратилаётган алоҳида эътибор туфайли бунёдга келди.

Зангиоталик китобсе-вар тадбиркор Шухрат-хўжа Муҳаммадхўжаев

зиёратгоҳига шундоқкина яқин жойда қад ростлагани беҳиз эмас. Зотан, бу табаррук гўшага зиёратга келувчилар, вилоятимиз меҳмонлари, сайёҳлар учун ҳам ҳар

Комиллик китобхонликдан бошланади

Буюк маърифатпарвар бобомиз Абдулҳамид Қўлпон "Адабиёт яшаса – миллат яшайди", деганлар. Адабиёт равнақи, маънавий-маърифий тараққиёт эса, яхши биламизки, китобхонликдан бошланади.

Қарор ва ижро

фурсатда вилоятимизда жами 35 та китоб дўкони, жумладан, ихтисослашган "Китоб олами" мажмуалари барпо этилгани ва мунтазам ишлаб тургани давлатимиз раҳбарининг юқорида тилга олинган қарори ўз маз-



лар таъкидлаганидек, ушбу зиё тарқатувчи маскан ҳам мамлакатимизда китобхонликни кенг тарғиб этиш, айниса, ёшлар ўртасида китобхонлик

саяё-ҳаракати билан вилоят ва туман ҳокимлик-лари, вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси кўмағида бунёд этилган мазкур мажмуа Зангиота

зиёратгоҳига шундоқкина яқин жойда қад ростлагани беҳиз эмас. Зотан, бу табаррук гўшага зиёратга келувчилар, вилоятимиз меҳмонлари, сайёҳлар учун ҳам ҳар

"Китоб олами"нинг очилиш маросимида вилоят ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов сўзга чиқди.

Ўз мухбиримиз

Равшан МИРЗАКУЛОВ олган сурат

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ Манзилимиз: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Электрон почталар: thaqiqat@uam.uz; th-tp@mail.ru Буюртма V-1905. Баҳоси келишилган нархда	Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. 14 252 нусхада чоп этилди	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 233-58-85 (факс) 233-70-10 233-12-83 233-38-23, 233-48-08 233-65-59 233-54-10	Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таърифий компьютер марказида терилди ва оператор Т. Махмудхўжаев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир Абдусалим МАҲМУДОВ Навбатчи Эрали НОРБЕКОВ Назоратчи мусоҳиҳ Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА
--	---	---	--	--	---